

Уйда қолинг / мутолаа қилинг!

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 26 март • пайшанба • № 41 (4326)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



2020 йил 24 март кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда 7 та масала кўриб чиқилди, шу жумладан, 5 та қонун маъқулланди.

Сенат ялпи мажлисида карантин қоидаларига риоя этмаслик учун жазо қораларини кучайтиришга қаратилган Қонун маъқулланди.

Эндиликда карантин қоидаларини бузганлик учун маъмурий жарима миқдори фуқаролар учун – 6 690 000 сўмгача, мансабдор шахслар учун – 11 150 000 сўмгача оширилди.

Жиноий жазо ҳам кучайтирилиб, 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Президент қарори билан Саидкарим Нишонбоев ички ишлар вазирининг ўринбосари лавозимини эгаллади.



Дунёдаги эпидемиологик вазият ва Ўзбекистонда коронавируснинг тарқалиши туфайли ҳукумат шартномалар бажарилмаган тақдирда бизнес учун «форс-мажор» режими жорий этишга қарор қилди.



Инновация вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази биотехнологлари томонидан «COVID-19» коронавирусини аниқлаш бўйича тест системаси ишлаб чиқилди.



«Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти қазиб олинаётган газни қайта ишлаш натижасида олинган олтингургурт маҳсулотини хорижга экспорт қилишни йўлга қўйди.



Ўзбекистонда АИ-92 маркали бензиннинг нархи 200 сўмга пасайди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

КУН ҳикмати

Гилямни калтак билан қоқмоқ гилямга озор бермоқ учун эмас, гилямни покламоқ учундир. Аллоҳ сенга ташвиш берар экан, сени имтиҳон қилиб тозалар, чанг-у ғуборингни кетказар.

Жалолиддин Румий



ЖАМИЯТ БИРДАМЛИГИ ИММУНИТЕТИ

Агар унга панд бермасак, биз, албатта, ғолиб бўламиз!

Менимча, бу хасталик бир инсон организмидаги иммунитет билангина даф бўладиган касаллик эмас. Балки у ЖАМИЯТ БИРДАМЛИГИ ИММУНИТЕТИни ҳам синовдан ўтказаяпти. Агар ушбу иммунитет панд берса, жамият катта зарбага дучор бўлади. Барча ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилгандагина бу хавфни еншиш мумкин.

БЛОГЕРЛАР БУРЧАГИ

davletovuz

Иқтисодчи
Абдулла Абдуқодиров:

«Ҳозирги инқироз шароитида камида 5-6 млрд. АҚШ доллари зарур. Бу пуллارни қасрдан топиш мумкин?»

Anhor.uz иқтисодий шарҳловчиси, колумнисти Абдулла Абдуқодировнинг ёзишича (<https://anhor.uz/economy/kak-preodolety-krizis-chastyvtoraya>), вақт бизга қарши ишламоқда. Биз зарур қораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини қанчалик кейинга қолдирсак, коронавирус таъсирининг оқибатларини бартараф этиш учун шунча кўп маблағ талаб қилинади.

Бугун ҳеч ким юз бераётган воқеаларнинг оқибатларини батафсил аниқлай олмайди, аммо умумий тасавурлар муаммоларни ҳал этиш учун конкрет ресурслар билан манзилли дастурларни ишлаб чиқишни бошлаш заруратини талаб қилади.

Экспертнинг қайд этишича, иқтисодийтимиз ҳажмидан ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тўпланиб қолган муаммоларидан келиб чиққан ҳолда, камида 5-6 млрд. АҚШ долларидан иборат маблағ зарур. Ушбу маблағнинг ярми тиббий ёрдамни тўғридан-тўғри субсидиялашга ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектлари корхоналарида бандликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши, қолган қисми эса молия институтларини мустаҳкамлашга йўналтирилиши зарур.

Абдулла аканинг фикрича, иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш мақсадларида зудлик билан Жаҳон банкдан реструктуризация имконияти билан 30 йил муддатга камида 3-4 млрд. доллар қарз олишга тўғри келади. Ундан кейин барча донор институтлар (USAID, KOICA, TIKA сингари) жалб этилиши мумкин, аммо улар 0,5-1 млрд. АҚШ долларидан ортиқ маблағ ажратма олмайди.

Молия вазирлиги давлат ғазначилик мажбуриятларини 5 ва 10 йилга эмиссия қилишга ўтиши мумкин, уларни Марказий банк бюджетни қўллаб-қувватлаш учун харид қилиши мумкин бўларди. Шу тарзда 1 млрд АҚШ доллари тенг эквивалентдаги суммани, вазият ривожланишига қараб, бир нечта транш бўйича сафарбар қилиш мумкин.

Шунингдек, Молия вазирлиги аҳоли учун узок муддатли давлат заёмларини эмиссия қилиши мумкин. Вазият энг ноқулай ривожланганида Ўзбекистоннинг олтин-валюта захираси ҳамда Ўзбекистон тикланиши ва тараққиёт жамғармаси маблағларига умид қилиш қолади, холос.

«COVID-19»:

ИҚТИСОДИЙ БЎХРОН НАФАСИ

Ёхуд глобал ишсизлик салкам 25 миллион кишига ошиши мумкин(ми?)

Халқаро ҳаёт

Жаҳон миқёсидаги ЯИМ ўсишига «COVID-19» таъсирининг турли сценарийларига асосан, ХМТ ҳисоб-китобларига кўра, глобал ишсизлик даражаси 5,3 миллиондан («қўйи» чегара) 24, 7 миллионгача («кўқори» чегара) ошиши мумкин.

Таққослаш учун, 2008-2009 йиллардаги жаҳон молиявий инқирози глобал ишсизликни 22 миллион нафарга оширган эди. Шунингдек, унутмаслик лозимки, 2019 йилда дунё миқёсида 188 миллиондан ошқ ишсиз қайд этилган.

Аммо 2008-2009 йилларда – жаҳон молиявий инқирози даврида бўлгани каби, халқаро миқёсда мувофиқлаштирилган сиёсий қарорлар қабул қилинса, бу муаммонинг глобал ишсизликка таъсири сезиларли даражада камайди.

«COVID-19» ва меҳнат соҳаси: оқибатлар ва жавоблар» деб номланган баҳолашнинг дастлабки эслатмасида ишчиларни иш жойларида ҳимоя қилиш, иқтисодий ва бандликни рағбатлантириш, иш ўринлари ва даромадларни қўллаб-қувватлаш каби уч асосий йўналиш бўйича шўшилч, кенг ва келишилган қоралар кўриш талаб этилмоқда.

Ушбу чора-тадбирлар ижтимоий ҳимояни кенгайтириш, бандликни сақлаб қолиш (яъни, вақтинча иш билан таъминлаш, ҳақ тўланадиган таътил, бошқа субсидиялар), молиявий ва солиқ имтиёзларини, шу жумладан, кичик ва ўрта биз-



– Биз нафақат соғлиқни сақлаш тизимидаги глобал инқироз, балки одамлар ҳаётига жиддий таъсир кўрсатадиган улкан меҳнат бозори ва иқтисодий инқироз билан туқнаш келмоқдамиз. – деди Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори Гай Райдер. – 2008 йилда дунё молиявий инқироз оқибатларини енгиш учун бирлашди ва даҳшатли оқибатларнинг олди олинди. Бизга ҳозир шундай етакчи куч ва қатъият керак бўлмоқда.

ондан 3,4 триллион долларгача бўлиши мумкин. Бу товарлар ва хизматлар истеъмолнинг кескин камайишига олиб келади, ўз навбатида, бизнес ва иқтисодий келажагига салбий таъсир кўрсатади.

Ҳисоб-китобларга кўра, 2020 йил учун дастлабки тахминларга нисбатан таққослаганда, дунё бўйича 8,8 дан 35 миллионгача одам қашшоқлик гирдобига тушади, ваҳоланки, йил бошида бу кўрсаткичнинг 14 миллионгача пасайиши тахмин этилаётган эди.

Жаҳонгир НАХОНОВ,
«ISHONCH»



Фарида АКБАРОВА: Юртдошларимиз манфаати бор жойда бошқа ташвишларни бир чеккага суриб қўйиш керак

Орамизда шундай инсонлар борки, уларни машҳур ҳам, таниқли ҳам деб бўлмайди. Аслида эса, уларнинг ўша машҳур ва таниқли одамлардан жамият ва давлатга нафи кўпроқ тегаётган бўлади. Шундай фидойи инсонлардан бири Фарида Акбаровадир. Мақоламиз қаҳрамони ўзининг 40 йилдан ошдироқ меҳнат фаолияти давомида соғлиқни сақлаш тизимида, Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани ва Тошкент вилояти ҳокимликларида маъсул вазифаларда, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимларида, Ўзбекистон касаба уюшмаларининг санатор-курортлар тизимида самарали фаолият олиб борган. Айни вақтда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги «Бўстон санаторийси» МЧЖ директори сифатида фидокорона меҳнат қилмоқда

– Фарида Шораҳимова, Сизнинг турли масъул лавозимларда катта масъулият билан ишлаганингиздан яхши хабардоримиз. Ҳозирги иш жойингиз «Бўстон санаторийси» фаолияти ҳам кейинги бир йилда кўп тилга олинган. Шундай эмасми?

– Бунга сабаб менинг фаолиятим эмас, албатта. Давлатимизнинг ишончи. Утган йилнинг май-июнь ойларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан «Меҳр-1» давлат дастури бўйича Суриядан 55 нафар хотин-қиз ва уларнинг 99 нафар фарзанди, октябрь-ноябрь ойларида эса «Меҳр-2» дастури бўйича Ироқдан 64 нафар ёш болалар юртимизга олиб келинган эди. Ҳар иккала дастур бўйича юртдошларимиз санаториямизга жойлаштирилди. Уларга малакали тиббиёт ходимлари сифатли хизматлар кўрсатишди. Адашган, чалғиган юртдошларимиз, шунингдек, ҳеч қандай айби йўқ, беғубор болаларимизга ҳам руҳан, ҳам жисман қўмаклашиш мақсадида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Қисқаси, уларни соғлом турмуш тарзига қайтаришга эришилди.

Замондош

ЖАМИЯТ БИРДАМЛИГИ ИММУНИТЕТИ

Агар унга панд бермасак, биз, албатта, ғолиб бўламиз!

Кечаги гап бугунга тўғри келмайди, деган халқ нақли бор. Ҳозирги шароитда унинг нақадар топиб айтилганига амин бўламиз. Кечаги хабарларда Ўзбекистонда коронавирус юқтирилганлар сони 50 нафар бўлган эди. Бугун газета чоп этилиш арафасида улар сони 59 тага етди. Улардан 4 нафари ўпка яллиғлини босқичини бошдан ўтказяпти ва оғир аҳволдалиги таъкидланмоқда.

Кимдир «мамлакатнинг 34 миллионлик аҳолиси учун бу яхши кўрсаткич» дейиши мумкин. Аммо бундай ўйлашимиз ва айтишимиз нотўғри. Негаки, дунёдаги аҳолини таҳлил этар эканмиз, бу «кўринмас кўл» чангалидан ҳеч ким, ҳеч бир давлат четда қолмаётганини кўраемиз. Оддий мисол, жаҳоннинг энг кудратли давлати АҚШнинг президенти Дональд Трамп ҳам тест топширишига тўғри келди. Россиядек кудратли давлатнинг раҳбари Путиннинг карантин ҳолатидагилини кўришга боргани ҳақидаги видеолар тарқалди. Германия канцлери Ангела Меркел карантинда экани ва масофадан ишлаётганининг ўзи масаланинг қай даражада эканидан далолат беради. Кўшни давлат Қирғизистон пойтахти Бишкекда комендантлик соати жорий этилди. Кеча эса дунёнинг энг чекир худуди ҳисобланган Чилининг Паска оролида ҳам коронавирусга чалинган илк бемор қайд қилинди.

Бутун дунё бир фалокат олдига қулросиз чиққан қўшинга ўхшаб қолди.

тоши оғирлик қилиши мумкин бўлган чораларни кўраётган раҳбариятга фақат таъзим қилиш керак. Биргина Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги санаторийларнинг аксарияти карантиндагилар учун жалб этилгани, қолганлари ҳам шунга тайёрланаётгани муҳофаза чоралари кўламининг нечоғли эканидан далолат беради.

Аммо мана шу халқпарварликка барчанинг ҳам жавоби муносиб бўлаётгани чатоқ. Кеча рўйхатга олинган беморлардан бирининг касаллар билан мулоқотда бўлмагани ҳақида хабар қилинди. 20 яшар қиз қаердadir – жамоат транспортидами, лифтадами, зинадами, банкдами, бозордами, кўчадами вирусни ўзига чадаширган. Бу вируснинг, ҳатто, уйда ўтирган одамга ҳам осонгина етиб бориши мумкинлигини кўрсатди. Бу хушёр бўлиш лозимлигини яна бир бор уқтирди.

Бироқ қатъий чоралар белгилангани ҳақида ҳар кун юзлаб марта оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётганига қарамай, қамон кўчаларда, бирор тайинли сабаби бўлса-бўлмаса, яна ниқобларсиз юрганларни учратяпмиз. Ахир бу, аввало, ўзингизга, қолаверса

русни, албатта, енгил мумкин.

Яна хабарлар оқимини кузатамиз ва бу йўлдаги ҳаракатларни кўраемиз. Мана мисол, Қозоғистон Элбосиси мурожаати бир кунда «лаббай» деган қозоқ биродарларимиз ва Қозоғистонда яшаётган бойлар 41 миллион АҚШ доллари миқдорига маб-

вий йўл кўрсатувчи «Маънавият ва маърифат» деган ташкилот бўлар эди, ёпилганми?


Бугун биз жамият бирдамлиги иммунитетини оширишда уларнинг кучига таянмасак, кимнинг кучига суйанамиз?

Халқ эса ўз билганича, ўз идрокига суйаниб давом этаверар йўлида – Аллоҳга таваккал қилиб... Оддий муслмон инсоннинг фарзанди сифатида мен ҳам бу мўмин халқнинг бошига катта кулфатлар ёғилишига ишонмайман.

Давлатнинг бошида турганлар Аллоҳга ёққан одамлар, уларнинг мақсад-у мудаолари ҳам Аллоҳга маъқул келди. Шу сабаб, ишонамизки, биз энгамиз, иншаАллоҳ.

Бироқ, бунинг учун, ҳеч қурса, шу ишонганларимизнинг талабларига «лаббай» деб жавоб берайлик. Зарур ишимиз бўлмаса, имизда ўтирайлик! Бу ҳам бир ёрдам! Бу ҳам биз ватанпарварлик! Давлат барча шароитларни яратиб бермоқда. Озиқ-овқат етарли, электр, сув, газ бор, дорихона, дўхтирлар ишляпти, ҳатто, телефонингизнинг пулини тўламаганингизга қарамай ўчиришляпти. Телевизорда фарзандларингизга керакли дарслар ўқитилмоқда, ўзингизга турли қизиқарли фильмлар, дастурлар тайёрланмоқда. Яна нима керак? Фақат ўзингизни, фарзандларингизни асраб, уйда ўтиринг!

Ижтимоий рекламаларда кўряпсизми, вирус ташувчи воситалар жуда кўп. Бироқ агар жиддий ҳаракат қилсангиз, сиз ўзингизни ҳам, яқинларингизни ҳам бу балодан асрай оласиз!



Қай мамлакат кескин чоралар кўрди – аҳолисининг катта қисмини бу вирусдан сақлашга эришди. Бунга Хитой ва баъзи Осиё мамлакатлари мисол. Қай мамлакат бепарв бўлди – бало гирдобиди қолди. Хусусан, Америкага белсанандларча борган Бразилия президенти Болсонаронинг пушаймонлари энди бефойда. Мазкур сафарда унга ҳамроҳлик қилган 22 нафар делегация аъзоси ҳам бу балони юқтириб келган...

Энди юртимизга қайтайлик. Давлат чоралар кўрмоқда. Кўпчилигининг фикри ақил – бу баалога ҳар бир одам қарши туриши керак. Уни фақат давлатнинг чоралари билангина енгил бўлмайди. Тўғриси, ҳали иқтисодий ривожланиб кетмаган давлат учун анчайин

атрофингиздагилар, ана бординг, отангиз, онангиз, фарзандларингизга нисбатан **ХИЁНАТ** эмасми?

Биз вирус ҳақида етарли маълумотга эгамиз-ку! Унинг инсон организмидagi иммунитетга қараб ҳаракат қилиши, агар иммон тизими кучсиз бўлса, у ғолиб келиши, агар акси бўлса, чекиннишни яхши биламиз-ку! Унда бошқаларни хавфга қўйишга нима ҳақимиз бор?

Менимча, бу хасталик бир инсон организмидagi иммунитет билангина даф бўладиган касаллик эмас. Балки у **ЖАМИЯТ БИРДАМЛИГИ ИММУНИТЕТИ**ни ҳам синовдан ўтказяпти.

Агар ушбу иммунитет панд берса, жамият катта зарбага дучор бўлади. Барча ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилса, ви-

лаф тўплади.

Бизда-чи? Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида ташкил этилган «Мехр-шафқат ва саломатлик» жамғармасига 5 миллиард сўм маблағ йиғилди. АҚШ доллари ҳисобиди эса бир миллионга ҳам етмайдиган рақам!

Биз шунчалик қашшоқ одамларимизми? Ўзбекистонда бойлар Қозоғистондан кам деб ўйлайсизми? Асло ундай эмас! Бизда ҳам бойлар кўп. Балки улар тепадан мурожаат кутаётдандир? Кутманг, аввало, бизнинг давлат кимдандир муруват сўрамайди. Қолаверса, хайрия кимгадир кўриниш, кўз-кўз қилиш учун қилинадиган иш эмас. Баъзи маълумотларга кўра, Қозоғистонда тадбиркорлик қилаётган ўзбекистонлик Фаттоҳ Шодиев мамлакатимизда коронавирусга қарши курашга ўз ҳиссасини қўшишга тайёрлигини билдирибди. Отасига раҳмат! Аммо ўзимизникилар қани? Ёки бизнинг кунимиз фақат ниқоб тарқатадиган тадбиркорнинг муруватига қолдимиз?

Гапнинг очиги, бизда чин ватанпарварликни кўрсата олувчи жамоатчилик реакцияси кўринмаяпти. Одамнинг юрагини «жи» эттирадиган бирон бир ташаббусни кўрмаймиз. Телесаҳнада ҳар кун чикиб, тўртта қўшиқча озғини қимирлатиб, элнинг тўйига минг-минг долларга борадиган «хушовоз» ҳофизларимиз бугун фақат «Уйда қолинг» челленжиди иштирок этишмоқда, холос. У ҳам топширик асосида. Қани ўша доимо эъзоздаги халқ артистлари?

Газеталарнинг кўпчилиги Саъдулла Ҳакимнинг «Коронавирус» шеърини босиб чиқди. Бошқа яхши шеър йўқ! Қани, қалбларни ларзага солувчи шеърлар «хурматли» халқ шоирлари?

Ёки бир пайтлар одамларга маъна-

Андижон вилояти

Ишчи гуруҳ фаолияти

Ҳаётга ҳамқадам ҳаракат

Халқнинг қандай яшаётгани, уларнинг қувонч ва ташвишлари ҳақида тўлақонли тасаввурга бўлишининг ягона йўли одамларнинг турмуш тарзини яқиндан кузатиб, керак бўлса, бирма-бир мулоқот қилишидир. Сирасини айтганда, айни пайтда Андижонда бўлиб турган Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси ишчи гуруҳининг асосий мақсади ҳам қишлоқлардаги оилаларнинг муаммоларини ўрганиш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан оёққа туриш имкониятларини таҳлил этиш, хусусан, хотин-қизларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдан иборат.

Федерация раисининг ўринбосари Шавкат Жавлонов раҳбарлигидаги гуруҳ аъзолари дастлабки «юриш»ни кеча Марҳамат туманидан бошлади. Ушбу чегара ҳудудда 48 та маҳалла бор. Тумани бирма-бир кезиб, ҳар бир оилани йўқлаш, юртдошларимизнинг қалбига қулоқ солиш, муаммоларига кўмаклашиш, табиийки, ишчи гуруҳи зиммасига залворлигини вазифа юклайди. Мухими, турли ҳаётий қийинчиликлар гирдобига тушиб қолган оилаларнинг яшаш тарзида айни ҳаракатлар сабаб жиддий ижобий ўзгаришлар юз беришига катта ишонч бор. Ахир «Ҳа деган туяга мадор» аталмиш халқ нақли бекорга айтилганми?

Шунинг баробарида гуруҳ аъзоларига давлатимиз раҳбарининг жорий йил 20 мартдаги «Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонда кўзда тутилган топшириқларнинг жойлардаги ижроси, карантин чоралари даврида иш берувчилар томонидан ходимларга яратилган шарт-шароитлар ҳамда умумий вазиятни назоратга олиш каби вазифалар ҳам юклатилган.

Нурилло НУЪМОНОВ, «ISHONCH»

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси мутасаддилигидаги Хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича Республика Ишчи гуруҳи ўтган ҳафтада Қашқадарё вилоятида бўлиб, қишлоқ ва маҳаллалардаги хотин-қизлар муаммоларини ўрганишди. Қўйда баъзи бир ўрганиш натижаларини баён қиламиз...

Шахло Шохимардонова Касби тумани «Пандирон» маҳалласида яшайди. Ўғли Жасурбек ногирон. Ўн йилки, бемор фарзандига парвона бўлаётган она яратгандан фарзандига шифо сўрайди. Дорихоналарга бош сукади. Дорига эса пул керак. Ўзи ишсиз. Ваҳоланки, тиббиёт билим юртини тугатган.

Мутасаддилар хулосасига кўра, Шахлохонга тикув машинаси олиб бериладиган бўлди. Қўлидан тикиш-бичиш келар экан. Ҳам боласига қарайди, ҳам хунари орқасидан тўрт-беш сўм топади.

Шу маҳаллада яшовчи Саида Бегалованинг икки нафар фарзанди бор. Боқувчиси йўқлиги учун Саида ҳатто 2019 йил учун ер ва мол-мулк солигини ҳам тўлай олмаган.

Ёш она аҳолини баён қилиб, ишчи гуруҳ аъзоларидан тикув машинаси олишда ёрдам сўради. Чеварлиги ортидан рўзгор тебратмоқчилигини айтди. Ҳарна-да...

Пандиронлик Улғуза Ушвақтованинг эри иккинчи гуруҳ ногирони. Уч нафар фарзанди бор.

– Уйимиз шиферланмаган. Ёгингарчилик бўлганда чакка ўтиб, безорижон қилади, – дейди Улғуза ишчи гуруҳ аъзоларига. – Эримнинг 317 минг сўм ногиронлик нафақаси

рўзгорга урвоқ ҳам бўлмаяпти. Бу ёқда уй-жойни кадастр қилиш керак. Хуллас, бошим қотиб қолди...

Ишчи гуруҳ аъзолари тавсиясига кўра, бу оиланинг уйи таъмирлаб бериладиган бўлди. Шунингдек, кадастр хужжатлаштириш ишлари ҳам ҳал этилади.

«Денов» маҳалласида яшовчи Олтин Муртозеванинг фарзанди мактабда 8-синфга

Эзгулик барҳаёт

қиди. Чунки 15 ёшида кўзи кўрмай қолди. Бош мия қисмидаги ўзгариш шундай оқибатга олиб келди. Онаизорга фарзандини даволатиш учун ёрдам кўрсатиладиган бўлди. «Касби» маҳалласида яшовчи Гулсара Раимова юрак хасталиги бўйича доимий даволана қелади. Гулсаранинг талабига кўра, энди унга ногиронлик аравачаси берилди. «Пахтакор» қишлоқ фуқаролар йиғи

Мавзуга доир маълумот:

Ишчи гуруҳи 4 кун давомида Қашқадарё вилоятидаги хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиди, айримларини жойида бартараф этишга эришди.

Мулоқотларда 4 529 та муаммо аниқланди. Уларнинг:

40,5 фоизи уй-жой билан таъминлаш ва мавжуд уй-жойларни таъмирлаш;

39 фоизи моддий ёрдамга муҳтожлик;

9,2 фоизи иш билан таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредит ажратиш;

5,7 фоизи саломатликни тиклаш;

1,2 фоизи коммунал соҳа;

0,2 фоизи таълим;

3,9 фоизи бошқа йўналишларга тўғри келди.

Фарида АКБАРОВА:

Юртдошларимиз манфаати бор жойда бошқа ташвишларни бир чеккага суриб қўйиш керак

11 – Мана уч-тўрт ойки, дунё аҳли фақат бир мавзунинг тилга олмақда. Коронавирус пандемияси. Маълумки, сиз раҳбарлик қилаётган санаторийда ҳам хорижликлар ва юртдошларимиз карантинда сақланди. Шу ҳафта қисқаса маълумот берсангиз.

– Аввало, шунинг алоҳида таъкидлашни истар эдимки, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан «Мехр-1» ва «Мехр-2» дастурларининг амалга оширилиши, бугунги кунда коронавирус балосининг юртимизда қисқа фурсатларда бартараф этилиши бўйича қўрилаётган кескин чора-тадбирлар тахсинга лойиқдир.

Маълумки, Хитойда хавфли коронавирус инфекциясининг тарқалгани сабабли 2020 йилнинг февраль ойда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мазкур давлатда яшаётган Ўзбекистон фуқароларининг 294 нафари, Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонасининг 42 нафар оила аъзолари, март ойда Корея давлатидан олиб келинган 181 нафар юртдошимиз «Бўстон санаторийси»га жойлаштирилди. Ҳар икки гуруҳ икки ҳафта давомида карантин муддатини ўташди. Уларга карантин давомида барча шароитлар муҳайё қилинди ва бу ишларга маалаки шифокорлар ва ходимлар жалб этилди.

– Ижтимоий тармоқларда карантин ўтилатган жойлардаги шарт-шароитларнинг яхши эмаслигидан нолиб айтилаётган фикр-мулоҳазалар, кўрсатилаётган лаъқаларга ҳам кўзимиз тушяпти. Шу ўринда «Бўстон санаторийси»да аҳвол қандай?

– 2017-2019 йиллар давомида дам олувчиларга қўлайлик яратиш мақсадида санаторийда эски маъмурий биноси қайта таъмирланиб, оилавий коттежга айлантирилган ва яна кўшимча 29 ўрин қўшилган. Шунингдек, амфитеатр ишга туширилди, мавжуд ҳовуз қайта таъмирланиб, замонавий сув ҳавзасига айлантирилди. Даволанувчиларга қўшимча шарт-шароит яратиш мақсадида «турк ҳаммоми» ишга туширилди, 2 та янги рангли фаввора ва тренажёр зали қурилди. Санаторий ховлиси тўлиқ ободонлаштирилиб, 4 мингдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт қўчатлари экилди.

Сихаттоҳнинг моддий-техника базасини мустақкамлаш мақсадида ёрдамчи хўжалик (кичик чорвачилик фермаси ва иссиқхона) ташкил этилди. Бугунги кунда мазкур ёр-

дамчи хўжалик самарали фаолият юритиб келмоқда. Шу билан бир қаторда, санаторий базаси замонавий техник асбоб-ускуналар билан тўлдирилди. Ҳозирги кунда ВТЛ-лим-фостим ва ВТЛ-магнитотерапия аппаратлари мижозларга хизмат кўрсатмоқда. Лабораторияга замонавий биокимёвий анализатор ўрнатилган ва бир қатор янги таҳлилларни олиш йўлга қўйилган. Қисқаси, санаторийда соғлиғини тикловчилар учун барча шароитлар яратилган. Шу сабаб бу борада муаммо умуман йўқ...

– Эшитишимизга қараганда, шахсан ўзиниз ва сиз раҳбарлик қилаётган санаторийнинг иш-фокор ва ходимлар карантин давомида анча вақтдан бунён уйларига ҳам боришмаган экан...



– Катта масъулият ва Ватан манфаати бор жойда шахсий ташвишларни бир чеккага суриб қўйиш керак, деб ўйлайман. Давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз юртдошларимизнинг тақдирини, хавфсизлигини ва саломатлигини ҳақида қайғуриб турган пайтда биз нега соатга, иш вақтига қараб иш туттишимиз керак?..

– Сиз ва жамоангиз фаолият давомида инсонлар тақдирини ҳам кузатмоқдасиз. Аввал «Мехр» амалиётларида жафоба ҳамюртлар, кейин эса таҳлика инқанжасидаги инсонлар карантинда бўлди. Улар билан суҳбатда аниқлашганингиз ҳақида сўрамоқчи эдим?

– Мен Сурия ва Ироқдан, Хитой ва Жанубий Кореядан олиб келинган юртдошларимизнинг кўпи билан суҳбатлашиб, шунга амин бўлдимки, уларнинг она Ватанга ва Президентимизга бўлган ҳурмати ва миннатдорлиги чексиз. Улар ғамхўрлик ва эътибордан беҳад миннатдор бўлиб, яқин келажақда шу замин, шу юрт, шу халқ учун муносиб фарзанд бўлишга, эл-юрт учун камарбаста бўлиб хизмат қилишга бел боғлашган. Бизнинг вазирамиз эса синовли кунларда кунни-кун, тунни-тун демай, уларнинг ёнида ҳаммаслақ, ҳам фикр, ҳамдард бўлиб, уларни юксак мақсадлар сари ундашдан иборат.

– Самимий суҳбатингиз учун ташаккур! Сизга ва сиз орқали жамоангизга бугунги синовли кунлардаги буюрқонроқ ишларингизда Аллоҳ мададкор бўлишини тилаймиз!

Суҳбатдош: Алижон АБДУРАҲМОНОВ, «ISHONCH»



Акмал АБДИЕВ, «Ishonch»

Жиззах вилояти

Фаолият

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жиззах шаҳар кенгаши 100 та бошланғич касаба уюшма ташкилотини бирлаштирган. Шундан олий ва ўрта махсус таълим тизимида 7 та, халқ таълими ташкилотлари ва муассасаларида 40 та, мактабгача таълим ташкилотларида 31 та, маданият муассасаларида 10 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатади.

Ўтган даврда ташкилот томонидан қатор хайрли тадбирларни амалга оширди. Хусусан, Жиззах шаҳридаги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида Президентимизнинг 5 та муҳим ташаббуси асосида ўқувчи-ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ма-

Ходим ҳар доим ҳимояда бўлиши шарт

расаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ишчи-ходимларнинг дам олиш вақтларини мазмунли ўтказишни ташкил этиш мақсадида шу йилнинг март ойига қадар вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи, Ш.Рашидов номли ёдгорлик филиали, Ҳамид Олимжон ва Зулфия бўлимларида касаба уюшмалари фаолларининг саёҳатлари уюштирилди. Бундан ташқари, ички туризмни ривожлантириш дастури доирасида ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг дам олиш учун етарлича шароитлар яратилди. Самарқанд шаҳрига 300 нафар, Бухоро шаҳрига 100 нафар, Хива ва Урганч шаҳарларига 100 нафар, Тошкент шаҳрига 125 нафар ходимлар ва уларнинг оила аъзолари саёҳатга олиб борилди.

Жамиятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга ҳам алоҳида эътибор қар

ратилмоқда. Ходимлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт ишларини йўлга қўйиш борасида спортнинг волейбол, футбол, шахмат, шашка, стол тенниси, армрестлинг, веломарафон турлари бўйича минтақавий ва шаҳар миқёсида спорт мусобақалари ўтказилди. «Спорт – мустақкам оиламиз пойдевори» номли спартакиада мусобақаларининг вилоят bosқичида ота-она ва қиз бола йўналиши бўйича 14-мактабдан Маҳмудовлар оиласи, ота-она ва ўғил бола йўналиши бўйича «Умид» мактаб-интернатидан Ш.Худойбердиевлар оиласи ғолиб бўлиб, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши таъсис этган диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш учун тарғибот ишлари тизимли йўлга қўйилган. Шу йўналишда бошланғич касаба уюшмаларида ўтказилган тадбирларда мутахас-

сислар меҳнатни муҳофаза қилиш, иш ўринларини шаҳодатдан ўтказиш, ходимларни махсус кийим ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминлаш ва бошқа масалаларга оид кўтарилган саволларга батафсил жавоб берди.

Айни вақтда таълим ва маданият масканларида карантинни белгиланган меъёрлар ва қоидалар асосида ўтказиш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тизимдаги ишчи-ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, таълим ва тарбия ишларининг узлуксизлигига эришиш учун соҳада рақамли технологиялардан унумли фойдаланилаётир.



Рустам ИСОҚОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жиззах шаҳар кенгаши ходими

Табриклар!



Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси

Барча юртдошларимизни, шу жумладан, тармоқда меҳнат қилаётган жонкуяр ва фидойи ходимларни янгилашни ва яшариш айёми – Наврўзи олам билан қутлайди. Халқимиз қалбида бир-бирига самимий муносабат, саховатпешалик, яратувчанлик, ташаббускорлик ва бунёдкорлик хислатлари ортиб бораверсин. Улуғ байрам барчамизнинг хонадонларимизга бахт-саодат, фаровонлик ва файз-барака улашсин! Ватанимиз доимо тинч, осмонимиз мудом мусоффо бўлсин! Она юртимизга асло кўз тегмасин!



Зулфия

БАҲОР

Инсон кўзларида жон олар баҳор,
Барча томирида унинг тўлқини.
Ўтмишнинг беҳуда они каби қор,
Беиз, бедард эриб кетар учқунни.

Инсон кўзларида жон олар баҳор,
Ўйинқароқ гўдак сингари булут.
Кўк қовоғи уюқ, ёрқин бир виқор
Кишилар қалбидан боқар бўлиб ўт.

Баҳорнинг сеҳргар боқий чиройи
Ёшу кекса кўнглини овлайди бирдак.
Кўзгунини синдириб ташлар. Киройи
Ҳар кишининг ёши бу фасл дилдак.

Ҳар нурга, ҳар қушга, ҳар қуртакка шод
Бениҳоя яқин бўлади йироқ,
Гўё сенсиз ҳосил бўлади барбод,
Ҳар тикилган чигит кўксинг этар тоғ.

Баҳор бўлмасайди, одамзод албат,
Ўзи кашф этарди, кашф этгандай бахт...

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

Барча юртдошларимизни яшариш ва янгилашни байрами –

Наврўзи олам билан

муборакбод этади!

Баҳор кўкламидек фусункор тароват, йил бўйи ҳамроҳингизга айлансин. Жонажон юртимиз осмони мусоффо, ҳаётимиз фаровон, ташлаган тараққиёт одимларимиз давомли бўлсин! Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимларига меҳнат зафарлари, масъулиятли ишларида омадлар тилаб қоламиз!



Қарияларнинг кўнгли кўтарилди

Тошкент темирйўл муҳандислари институти фаоллари Наврўз байрами муносабати билан «Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати»га ташир буюриб, кексаларнинг ҳолидан хабар олдилар.

Ташир давомида ёши улуғ инсонлар сўхбат асноси, ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Шундан сўнг кекса-ю ёш бир бўлиб, институт ҳудудида ҳашар уюштиришди. Яхши ниятлар билан 200 донна арча, 1000 дан ортиқ гул кўчати экилди.

Бундай эътибор ва ғамхўрликдан қарияларнинг кўнгли кўтарилди.

Илёс ХОЛБОЕВ,

Тошкент темир йўл муҳандислари институти касаба уюшма қўмитаси раиси



«COSCOM»

масъулиятни чеклашган
жаамиятни раҳбариятни ва касаба
уюшма қўмингаси

Барча юртдошларимизни, ўз соҳасида фидокорлик билан меҳнат қилиб келаётган ишчи-ходимларни

Наврўз байрами билан

муборакбод этади!

Шу қутлуғ кунларда Ўзбекистонимиз иқтисодий, халқимиз турмуш фаровонлиги, порлоқ келажгимиз йўлида фидойилик кўрсатаётган барча юртдошларимизга соғлиқ, оилавий бахт-саодат, ҳамиша баҳорий кайфият ёр бўлишини тилайди. Наврўз қувончи барчани янгидан-янги зафарларга чорлайверсин!

Хизматлар лицензияланган.

Омон МАТЖОН

Ҳар оғоч, ҳар шохни уйғотди Наврўз!

Миллион жажжи фонус ёқди дарахтлар,
Камалак, Яшиллик, Ёмғир юз фойз...
Имон келтиргайман аммо –
бу боғлар ёруғдир бизнинг-да севгимиз боис.

Ҳар оғоч, ҳар шохни уйғотди Наврўз,
гул билан қитиқлаб қарахт танини.
У сени кўрсатди менга.
Ва билдим юрагим қаерда жойлашганини!

Оҳ, баҳор! Заминнинг сўз эркинлиги!
Майсалар қуйлашар кўкка ўрлашиб.
Шу буюк қувончга жўр бўлдиқ биз ҳам
лабларим лабларинг билан бирлашиб.

Умр нима ўзи!
Имон келтирай,
ҳикмат бу, баҳордек қисқа ва аён:
Севги ила маъсуд онларни ўйла,
асил умр шулдир. Қолгани – ёлгон.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни
баҳорий янгилашни ва
яшариш, барака ва
эзгулик айёми –

НАВРЎЗИ

ОЛАМ БИЛАН

самимий муборакбод
этади!

Эзгу тилаклар амалга ошадиган
шу қутлуғ кунларда Яратгандан
юртимизга тинчлик-
омонлик, соғлик-саломатлик,
дастурхонларимизга фойиз-у
барака, элимизга аҳиллик ва
ҳамжисҳатлик, фарзандларимиз
камoliniни кўриши насиб этишини
тилаймиз!



Алишер НАВОИЙ

*Бу дамки эсиб насими Наврўз,
Гул атрини қилди мажлисафрўз.
Боғ ўлди баҳордин гулафшон,
Сунбул бу гул узра кокулафшон.
Бу фаслда азми гулшан этгай,
Бўстон ҳарамини маскан этгай.
Бор онинг учунки, шод бўлғай,
Ҳар бандиға бир кушод бўлғай.*



МУАССИС:



ISSN 2010-9002 2007 йил 11 январда
Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида
116-рақам билан
рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва
«Ishonch-Доверие»
газеталари таҳрир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Сухроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМКҮЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг
биринчи ўринбосари),

Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари-
«Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб - «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб -
«Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари хайъти –
(71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро хайът –
(71) 256-52-89
Миллий-маънавий
қадриятлар ва спорт –
(71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар
билан ишлаш –
(71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна –
(71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон
Республикаси
Президентининг фармон
ва қарорлари, энг сўнгги
янгиликлар, таҳлилий,
танқидий мақолалар,
хабарларнинг тўлиқ матни
билан танишингиз
мумкин.

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон
Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Маънавият вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти – (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда
манба сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан
фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдураҳмонов
Мусаҳҳиллар:
С. Шодиева,
З. Холмухаммедова,
Д. Орипов
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – 19:20
Топирилди – 22:50

Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табақ.
Буюртма Г – 317.
30729 нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба
ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130